Инв. №
Гос. книжная палата УзССР

# ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 107 (19.183). ● 1985 йил 9 май, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

## Гулчамбарлар қўйилди

8 май куни М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбар қўйдилар.

Ҳозирги замоннинг асосий социал ютуқлари, XX асрнинг революцион моҳияти Владимир Ильич Лениннинг беқиёс азиз номи билан боғланган. Биз яшаётган давр тарихга Ленин даври, ленинизм тантанаси даври сифатида абадий киради. Совет раҳбарлари КПСС асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкорининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олдилар.

Сўнгра улар Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабри томон йўл оладилар. Бу ерда Москва гарнизонининг қисмлари саф тортиб турди. Мангу олов ёнидаги алангаланиб турган гранит плитага «Сенинг номинг номаълум, жасоратинг ўлмасдир» деган сўзлар ўйиб ёзилган. Қаҳрамон шаҳарларга қўйилган ёдгорликлар олдида совет жангчилари фахрий қоровулликда турибди. Жанговар байроқлар қуйи эгиб қўйилган.

1945 йилнинг майида Улуғ Ватан урушининг сўнгги тўп садолари эшитилган пайтдан бери орадан қирқ йил ўтди. Бироқ Ватан учун ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар халқ хотирасида абадий қолди. Шу кунларда бу ерга одамлар оқими тинмай келиб турибди. Бу ер гуллар билан тўлиб тошган. Бу гуллар тириклардан ҳалок бўлган жангчиларга, абадий барҳаёт кишиларга келтирилган!

Музика садолари тантанавор янграйди. Совет раҳбарлари Номаълум солдат қабри ёнига келадилар ва гулчамбар қўядилар. Қизил лентага «Социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган кишиларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан» сўзлари ёзиб қўйилган.

Улар социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида, бутун дунёда тинчлик йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган совет жангчиларининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Милтиқлардан бир йўла уч марта ўқ отилиб, салют берилади, Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий бўлинмалар Улуғ Ватан урушининг ҳалок бўлган қаҳрамонларига ҳарбий иззат-икром кўрсатиб, Номаълум солдат қабри олдидан тантанали марш билан юриб ўтадилар.

Совет раҳбарлари билан бирга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, совет ҳарбий бошлиқлари, КПСС Москва шаҳар комитети бюроси ва Москва Совети ижроия комитетининг аъзолари, КПСС Москва область комитети бюроси ва Москва область Совети ижроия комитетининг аъзолари В. И. Ленин мавзолейи ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети номидан, СССР Қуролли Кучлари жангчилари, Москва ва пойтахт области меҳнаткашлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

(ТАСС).



Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис президиумида.

# БУЮК ҒАЛАБАНИНГ СЎНМАС ЁҒДУСИ

## Кремлнинг Съездлар саройида Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

Баҳор шамоли Кремлнинг Съездлар саройи олдидаги СССР, иттифоқдош республикаларнинг байроқларини ҳилпиратиб турибди. 8 май куни бу ерда барча қардош республикалардан Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантаналарга етиб келган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденларининг тўла кавалерлари, пойтахт ва Москва атрофидаги меҳнаткашларнинг вакиллари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари тўпланишди.

Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилиш учун СССРга келган социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, Коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари, озодликка чиққан мамлакатлар партия-ҳукумат делегациялари вакиллари, социалистик, социал-демократик ва бошқа партияларнинг намояндалари, давлат арбоблари, халқаро демократик ва чет эл жамоат ташкилотларининг вакиллари, чет эллик уруш ветеранлари ҳам залда ўтиришибди. Совет Иттифоқидаги чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам шу ерда тўпланган.

Йиғилганлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумдан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бир қатор министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, таниқли саркардалар, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам жой олганлар.

Социалистик ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг делегациялари бошлиқлари ҳам шу ерда ўтиришибди.

Сарой байрамона безатилган. Саҳнанинг марказида В. И. Ленин барельефи, «1945» ва «1985» рақамлари кўзга ташланади. Фойеда даҳшатли уруш йилларида намуна бўлган қисмлар ва корхоналарнинг байроқлари, Қизил майдондаги Ғалаба паради иштирокчиларининг — фронтлар терма полкларининг байроқлари қўйилган.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

Ҳарбий марш садолари остида бундан 40 йил муқаддам мағлуб рейхстаг узра ҳилпираган Ғалаба байроғи, СССР Қуролли Кучларининг уч турдаги қўшинлари байроқлари залга олиб кирилади. Байроқлар «Победа» ордени тасвирланган саҳнага ўрнатилади. Уларнинг ёнида фахрий қоровул саф тортиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**га сўз берилади. У «Совет халқининг ўлмас жасорати» мавзуида доклад қилди. Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

(Давоми тўртинчи бетда).

# СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Азиз ўртоқлар! Дўстлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Халқимиз учун тўрт йиллик уруш узоқ давом этган даҳшатли уруш бўлди, Ғалабага олиб борган йўл машаққатли бўлди. Мана ниҳоят совет солдати, совет кишиси: ҳаққоний иш тантана қилди! Душман тор-мор этилди! Биз ғалаба қозондик! — деб айта олган ўша порлоқ май куни етиб келди.

Совет халқи, унинг шавкатли Қуролли Кучлари фашистлар Германиясини қақшатқич мағлубиятга учратдилар, Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар, Европа халқларига озодлик келтирдилар. Фашизмнинг тор-мор этилганлиги, урушнинг ғолибона тугаганлиги қутқариб қолинган инсоният олдида социал тараққиётнинг янги йўлларини, планетада адолатли ва мустаҳкам тинчлик истиқболларини очган жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бурилиш воқеаси бўлди. Ғалабамиз ўтмишда қолиб кетгани йўқ. Бу Ғалаба ҳозирги вақтда ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган жонли Ғалабадир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати қаҳрамон совет халқини Буюк Ғалабанинг қирқ йиллиги билан қизғин қутлайдилар! Азиз ватандошлар, байрамингиз муборак бўлсин!

Бугун она-Ватан ўз ўғил ва қизларининг, қўлига қурол олиб ўз ватанпарварлик бурчини охиригача адо этган, Ғалаба баҳори келиши учун ҳамма ишни қилган ҳар бир кишининг мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлигини шарафламоқда.

Азиз қаҳрамонлар — фронтчилар, партизанлар ва подпольечилар, байрамингиз муборак бўлсин! Ватан манфаатлари йўлидаги, Ер юзида ҳаёт бўлиши манфаатлари йўлидаги жанговар жасоратингизга шон-шарафлар!

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси деган ва барча совет кишиларига азиз бўлган юксак номни бундан буён ҳам муносиб равишда шараф билан оқлайверингиз!

Бугун мамлакат Ватанимиз ичкарисида кўрсатилган меҳнат шавкати ва мислсиз матонатни, қурол тайёрлаган, металл қуйган, ғалла етиштирган ҳар бир кишини, завод цехларида ва шахталарнинг забойларида, пўлат магистралларда, дала ва фермаларда, илмий лабораториялар ва конструкторлик бюроларида Ғалабани яқинлаштирган кишиларни шарафламоқда.

Азиз ўртоқлар, байрамингиз муборак бўлсин! Уруш йилларида ҳаёти ва меҳнати: «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» — деган битта муқаддас бурчга бўйсундирилган барча кишиларга шон ва шарафлар бўлсин!

Уруш ва меҳнат ветеранларига нисбатан совет халқининг иззат-ҳурмати ва миннатдорчилиги чексиздир. Ўртоқлар, Ғалаба учун мамлакат сизлардан миннатдордир, бинобарин сизлар ўшанда, қирқ биринчи — қирқ бешинчи йилларда жанг майдонларида, мисли кўрилмаган қизғин меҳнатда кўрсатган жасоратингизни мамлакат ҳеч қачон унутмайди.

Совет кишиларининг тобора янги-янги авлодлари сизларнинг шонли ишларингиз намунаси асосида тарбияланмоқдалар, мардлик, жасорат ва матонатни, коммунистик идеалларга чексиз садоқатни, Ватан даъват этганида ҳамма нарсани енгиб ўтишни, ҳамма нарсага бардош беришга тайёр бўлиб туришни ўрганмоқдалар.

Ғалаба йўлида халқимиз берган қурбонлар ғоят каттадир. Уруш йигирма миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Деярли ҳар бир оила қариндош-уруғи ёки яқин кишисидан жудо бўлди, уруш алангасидан жафо чекди. Жудолик алами, ҳалок бўлганларнинг дард-қайғуси ҳеч қачон тугамайди. Бироқ уларнинг Ватанга фидо қилган қаҳрамонона ҳаётисиз Ғалаба ҳам бўлмас эди.

Ҳужумга биринчи бўлиб отланган, амбразураларни кўкраги билан беркитган, осмонда ўз самолётини душман самолётига тикка бориб урган, гранаталар билан танк остига ташланган, матрос кийимида душман билан найзабозлик қилган, душман кемаларини чўктирган, эшелонларни ағдариб ташлаган, яширин фронтда мардонавор жанг қилган, жанг майдонида ажални писанд қилмай қаттиқ турган, қийноқлар ҳам, фашистларнинг зиндонлари ва лагерлари ҳам иродасини бука олмаган кишиларнинг ўлмас жасоратлари тўғрисидаги хотира мангу олов алангасида, улуғвор ёдгорликлар ва оддийгина обидаларда, адабиёт ва санъат асарларида, замондошларимиз ва авлодларимизнинг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

Совет Ватани озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Уларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олайлик. (**Ҳамма ўрнидан туради. Бир дақиқа сукут сақланади**).

Ўртоқлар! Кўпгина мамлакатлар билан халқлар герман фашизми ва япон милитаризмининг агрессиясига қарши ягона фронт бўлиб курашдилар. Совет кишилари иккинчи жаҳон уруши барча қатнашчиларининг умумий душманни тор-мор этишга қўшган ҳиссасини ёдда тутиб, уни юксак қадрламоқдалар. Уларнинг озодлик, тинчлик ва адолат учун курашдаги жанговар хизматларини ҳурмат билан эсга олмоқдалар.

Планетадаги барча софдил кишиларга азиз бўлган буюк тарихий воқеанинг қирқ йиллигини совет халқи билан бирга тантанали нишонлаш учун Москвага келган чет эллик меҳмонларни сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

### I.

Ўртоқлар! Ўтган уруш Ватанимиз тарихига Улуғ Ватан уруши бўлиб кирди. Ғоят шафқатсиз жангда социалистик Ватан тақдири — халқларимиз эркин бўлиб қоладими ёки асоратга солинадими, миллий давлатчилигига, тили ва маданиятига эга бўладими ёки ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб тарихан барҳам топадими деган масала ҳал этилаётганлигини совет кишилари яхши тушунишар эди. Ватан узра пайдо бўлган ажал хавфи, жуда зўр ватанпарварлик кучи бутун мамлакатни халқ урушига, муқаддас урушга отлантирди. Совет кишилари улуғ Ленин ғояларидан куч олдилар. Уларни тарихимизнинг қаҳрамонона саҳифалари, халқнинг ажнабий золимларга қарши кураши илҳомлантирди. Улар ўз Ватани ҳимоясига отландилар.

Фашистлар Германияси билан урушимиз синфий моҳияти жиҳатидан империализмнинг зарбдор кучлари билан социализмнинг энг катта ҳарбий тўқнашуви бўлди. Ўша пайтда чорак асрга ҳам тўлмаган ёш Совет давлати улуғвор социал ўзгартишларни амалга ошираётган эди. Янги ижтимоий тузум ўзининг бунёдкорлик имкониятларини тобора тўлиқроқ намоён этаётганди. Бизга тинчлик, фақат тинчлик керак эди. Партия ва Совет ҳукумати урушнинг олдини олиш учун ҳамма ишни қилдилар. Бизнинг ташқи сиёсатимиз ва дипломатиямиз шунга бўйсундирилган эди.

Уруш хавфи кучайиб бораётган бир шароитда мамлакат душман ҳужум қилиб қолган тақдирда унга муносиб зарба беришга ҳозирлик кўрди. Партия совет кишиларини ҳушёрлик, фашизмга нисбатан нафрат, социалистик давлатни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялади. У Армияни ишончли қурол-яроғ, замонавий жанговар техника билан таъминлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилди. Биринчи беш йилликлар даврида вужудга келтирилган қудратли индустрия негизида мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди.

Ўша суронли уруш бошланмасдан олдин кўп иш қилинган эди. Аммо биз зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини турли сабабларга кўра тўла-тўкис ва ўз вақтида бажаролмадик, бажаришга улгурмадик.

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

